

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**МИРВАЛИЕВ ЗОИД ЗОҲИДОВИЧ**

**ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН РЕСУРС ТЕЖАМКОР,  
ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗ КИМЁВИЙ ҚЎШИМЧАЛАР ИШЛАБ  
ЧИҚИШ, УЛАРНИНГ ОЛИНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА  
ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар  
технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)**

**Мирвалиев Зоид Зоҳидович**

Полимер материаллари учун ресурстежамкор, экологик  
хавфсиз кимёвий қўшимчалар ишлаб чиқиш, уларнинг  
олиниш технологияси ва қўлланилиши..... 3

**Мирвалиев Зоид Зоҳидович**

Разработка ресурсосберегающих, экологически безопасных  
химикат-добавок к полимерным материалам, технологии их  
получения и применения .....29

**Mirvaliev Zoid Zohidovich**

Development of resource - saving, environmentally friendly  
Chemical additives to polymer materials, technologies for their  
production and application ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 59

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**МИРВАЛИЕВ ЗОИД ЗОҲИДОВИЧ**

**ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН РЕСУРС ТЕЖАМКОР,  
ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗ КИМЁВИЙ ҚЎШИМЧАЛАР ИШЛАБ  
ЧИҚИШ, УЛАРНИНГ ОЛИНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА  
ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар  
технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.DSc/T452 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси [www.tktiti.uz](http://www.tktiti.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Джалилов Абдулахат Турапович**  
кимё фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:** **Муҳиддинов Баҳодир Фахриддинович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Қодиров Тўлқин Жумаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Каримов Масъуд Убайдулла ўгли**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.16/30.12.2019/T.87.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» сентябр соат 16 да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 111116, Тошкент вилояти Тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шўробозор тел: +99895-144-67-83, e-mail: [ooo\\_tniixt@mail.ru](mailto:ooo_tniixt@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (13 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111116, Тошкент вилояти Тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шўробозор тел: +99895-144-67-83, e-mail: [ooo\\_tniixt@mail.ru](mailto:ooo_tniixt@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2021 йил «16» сентябр кунлари тарқатилди  
(2021 йил «16» сентябр даги № 13 рақамли реестр баённомаси)



**Джалилов А.Т.**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., академик

**Ширинов Ш.Д.**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф. PhD.

**Бекназаров Х.С.**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш-қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор.

## **КИРИШ (фан доктори (Dsc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда полимерлардан турли конструкцион материаллар сифатида техника ва қурилиш маҳсулотлари, тиббиёт ва хўжалик буюмлари ишлаб чиқарилиши тобора кенгаймоқда, жумладан ишлаб чиқарилаётган полимерларнинг 40 фоизи қадоклаш маҳсулотларини ташкил этади. Полимерлардан ишлаб чиқарилаётган пластмасса, резина ва лоқ-бўёқ материаллари узоқ вақт узлуксиз, бенуксон, хавфсиз ишлашни таъминлаш ва фойдаланиш вақтида рўй бериши мумкин бўлган физик-кимёвий ўзгаришларни олдиндан билиш ва ишлаб чиқариш жараёнида таркибий кимёвий қўшимчаларни илмий асосланган ҳолда тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда полимер материаллари учун махсус кимёвий қўшимча моддалар излаш, уларни олиниш технологияларини ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда самарали кимёвий қўшимчалар сифатида стабилизаторлар ва антиоксидантларнинг ресурстежамкор, экологик хавфсиз олиниш усулларини ишлаб чиқиш, полимер материалларининг термик стабилизациясини амалга оширишда, уларнинг ингибирлаш таъсирини ҳисобга олган ҳолда кимёвий қўшимчаларни тузилиши ва хоссалари ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада маҳаллий хомашёлар асосида полимер материалларига юқори самарали ресурс тежамкор кимёвий қўшимчаларни яратиш, ишлаб чиқариш ва қўллаш борасида бир қанча илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтқизиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>1</sup>га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, ёғ-мой ва кимё саноатининг иккиламчи технологик маҳсулотларидан самарали фойдаланган ҳолда ресурстежамкор ва экологик хавфсиз кимёвий қўшимчалар олишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасининг кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 4 октябрдаги «2019-2030-йилларда Ўзбекистон Республикасининг “Яшил” иқтисодийга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш» тўғрисидаги ПҚ-4477-сон Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Полимер материаллари учун органик кимёвий қўшимчаларни яратиш, амалиётга жорий қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Centre for Polymer and Material Technologies, Ghent University (Бельгия), Chonnam National University (Жанубий Корея), Corporation, Lowell Массачусетс (АҚШ), Department of Specialization in Health and Environment Technologies, Duzce University (Туркия), Chemical Research Centre, Hungarian Academy of Sciences (Венгрия), Ningbo Institute of Materials Technology and Engineering, Chinese Academy of Sciences (Хитой), Hybrid Polymers Research Group, Polymer Electronics Research Centre, University of Auckland (Янги Зеландия) ҳамда Россиянинг бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда.

Полимер материаллари учун стабилизатор-антиоксидантлар олиш, ингибирлаш механизмини аниқлашга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: АВС пластикларини термооксидланишига қарши антиоксидантлар таъсирининг статистик таҳлили қилинган (Бельгия); олинган полиолефин нанокомпозитларининг термостабилизацияси аниқланган (Венгрия); винилхлорид асосидаги полимерларга сульфадиазин лантан асосидаги синергик аралашма стабилизаторлари ишлаб чиқилган (Хитой);  $\alpha$ -токоферол, фосфит, фазовий фенол антиоксидант мономерлари яратилган (АҚШ); антиоксидат хусусиятини намаён этувчи синтетик полимерлар синтез қилинган (Янги Зеландия); N- ва P-сақлаган стабилизаторларнинг янги олиниш технологияси яратилган ҳамда пластификацияланган винилхлорид полимерлари ва сополимерларининг сольватланишдаги “эхо” стабилизация механизми тасдиқланган (Россия).

Дунёда полимер материалларининг термооксидланиш деструкцияси, стабилизацияси ва юқори самарали ингибиторларни синтез қилиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: азометин хосилалари асосида полифункционал ингредиентларни синтезлаш, олигомер антиоксидантлар олиш, пайванд антиоксидант синтезлаш, ёғ кислоталари асосида метал карбоксилатлар

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи:  
<https://www.ugent.be/ea/match/en/research/cpmt.htm>; <http://www.vstu.ru>; <https://kbsu.ru>; <https://www.kstu.ru>;  
<https://www.bashedu.ru/ru>; <https://en.duzce.edu.tr>; <http://english.nimte.cas.cn>; <https://www.auckland.ac.nz/en.html>;  
<http://biochemphysics.ru>; <https://mta.hu>; <https://international.jnu.ac.kr/user/indexMain.action> siteId international;  
<https://www.lowellma.gov>; <https://www.belstu.by> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган

олишнинг ресурстежамкор технологияси такомиллаштириш, полифункционал таъсирга эга ингибиторлар, эластомерлар учун қобикланган модификатор, икки ва ундан ортиқ стабилизатор ва антиоксидантлар системасида ингибирлашнинг самарали синергизмини аниқлаш, табиий хомашёлар асосида термостабилизатор олишнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда полимерларнинг деструкция ва стабилизациясини ҳамда махсус кимёвий қўшимчалар синтезини амалга оширишда А.С.Кузьминский, Н.М.Эмануэль, N.Grassi, П.А.Кирпичников, Г.Е.Зайков, В.Я.Шляпинтох, Ю.А.Шляпников, К.С.Минскер, М.А.Аскарлов, А.Т.Джалилов, А.К.Микитаев, М.К.Асамов, И.А.Новаков, Б.Ф.Мухиддинов, Н.А.Мукменева, Е.Н.Черезов, М.М.Мурзаканов, L.Wang бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилди.

полимер материаллари кенг доирада қўллаш термооксидланиш деструкциясини ингибирлайдиган стабилизатор-антиоксидантлар яратишдаги тадқиқотларнинг ривожланиши ва юқори ингибирлаш таъсирга эга бўлган функционал фаол  $-\text{OH}$ ,  $> \text{C}=\text{O}$ ,  $=\text{CH}-\text{NH}-$ ,  $-\text{Me}$  –гуруҳлари ва N-, P-, S-тутган элементоорганик бирикмалар асосидаги органик бирикмаларни ўрганишга асосланган.

Ушбу йўналишдаги сўнгги ютуқлардан бири азометинлар синфининг комбинирланган таъсирга эга юқори самарали ингредиентлар - азометин фенилмеламин, N-(3-феноксифенил)-N-фенилмеламин, 4(фенилметиленамино)фенол, шунингдек, ишлаб чиқаришга муваффақиятли жорий этилган юқори ёғ кислоталар асосида  $\text{Me}^{+2}$  карбоксилатларининг моно ва аралаш тузларини синтез қилишнинг янги технологияларидир.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасанинг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-201709268 «Бир йилдан уч йилгача фойдаланиш муддатини узайтириш мақсадида иссиқхона хўжаликлари учун полиэтилен плёнкалари учун қўшимчалар (стабилизаторлар) ишлаб чиқиш» ва «Сув таъминоти учун кам миқдорда қўрғошин бирикма тутган полимер материаллари янги таркибли ПВХ асосидаги композициялар ишлаб чиқариш» мавзуларидаги инновацион лойиҳа ва хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** полимер материалларида қўлланиладиган стабилизатор-антиоксидант ва тўлдирувчилар сифатида ресурстежамкор, экологик хавфсиз кимёвий қўшимчаларнинг технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

полимер материалларига самарали стабилизатор сифатида металл карбоксилатлар ва азоттутган бирикмаларнинг ресурстежамкор, экологик хавфсиз кимёвий қўшимчаларни ишлаб чиқиш;

госсипол азометинларнинг кимёвий тузилишига боғлиқ ҳолда термопласт ва эластомер материалларининг термик ва термооксидланишга қарши ингибирлаш қонуниятларини ўрганиш ва синергик таъсирларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг тузилиши ва хоссалари ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш, шунингдек бирикмаларни кимёвий тузилишига қараб танлашнинг ягона ёндашув яратиш;

таклиф этилаётган стабилизаторларнинг самарадорлиги ва мослигини ошириш, полимер тизимларида уларнинг учувчанлиги, ювилиб кетиши ва терлашини ўрганиш;

металл карбоксилатлари ва азоттутган бирикмаларининг саноатдаги классик стабилизаторлар иштирокида полимерларнинг термооксидланиш деструкциясининг синергик таъсирини тадқиқ этиш, аралаш стабилизаторлар оптимал нисбат концентрациясини ишлаб чиқиш;

олинган кимёвий қўшимчалардан фойдаланиб, коррозияга қарши парда ҳосил қилувчи материаллар ва электр изоляция компаундлари ишлаб чиқиш ва асосий хоссаларини тадқиқ қилиш;

кимёвий қўшимча таркибли тўлдирилган ПВХ композицияларининг техник ва технологик хоссаларини полимернинг пластификациялаш назарияси ва жараёнини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ қилиш;

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ресурстежамкор, экологик хавфсиз кимёвий қўшимчаларнинг инвестицион эҳтиёжлигини ўрганиш, уларнинг заруриятини баҳолаш ва полимер композицион материаллари ишлаб чиқаришда мақсадли жорий этишни техник-иқтисодий асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида госсипол, унинг метил эфирлари ва азометинлари, госсипол смоласи, Т-маҳсулотининг  $Me^{+2}$  карбоксилатлари, N-тутган олигомер бирикмалари ва улар асосидаги қопламалар, гидрофобланган шорсит ва саноатдаги классик стабилизатор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ПЭ, ПП, ПВХ, ХПЭ асосидаги термопластлар ва СКФ-32, СКФ-260, наирит КР-50, ХСПЭ асосидаги эластомер материалларининг термостабилизацияси, ингибирлашнинг мақбул концентрацияси, таъсир механизми ҳамда антикоррозион материал ва компаундларнинг физик-кимёвий, механик хоссаларини аниқлаш ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда полимерлар термооксидланиш жараёнида HCl, HF элиминирлашини таҳлил қилувчи рақамли қурилма, хемилюминесцент-, ЭПР-, ИҚ-спектроскопик, изотермогравиметрик ва дифференциал термик таҳлил, кислород ютилишини аниқловчи манометрик қурилма, технологик ҳамда физик-механик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор госсипол азометинлар мисолида кенг доирадаги полимерларда термооксидланиш стабилизациясининг илмий ёндашувини инобатга олган ҳолда, госсиполдаги азометин гуруҳларининг ингибирлаш таъсир механизми аниқланган;



полиолефин системаларида термооксидланиш деструкциясига госсипол гидроксил гуруҳларининг ингибирлаш фаоллигини белгилайдиган қиёсий таҳлилнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари аниқланган;

полимерларнинг термооксидланиш деструкция жараёнида госсипол азометинларининг кинетик қонуниятлари ва ингибирлаш механизми ва ингибирлаш фаоллиги госсипол азометин ўриндош амин гуруҳлари ҳисобига содир бўлиши исботланган;

полифункционал таъсирга эга иккиламчи технолик ресурслардан фойдаланган ҳолда полимер материалларига стабилизатор-антиоксидант сифатида ресурстежамкор ва экологик ҳавфсиз кимёвий қўшимчаларни ишлаб чиқишнинг оптимал шароит аниқланган;

кимёвий қўшимчаларнинг тури ва таркибини полимер (эластомер) материалларининг эксплуатацион ва махсус хусусиятларини (оксидланишнинг индукцион даври, термик ва термооксидланишдаги дегидрогалогенланиш тезлиги ва бошқалар) технологик хусусиятларига боғлиқлик қонуниятлари аниқланган;

илк бор термопластлар ҳамда эластомерлар термостабилизациясида синтез қилинган ва саноатдаги классик стабилизатор – антиоксидантларнинг аралашмаси асосида синергик таъсирнинг фаоллигини намоён қилувчи ингибирлаш жараёни механизми аниқланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

иккиламчи технологик ресурслардан фойдаланган ҳолда полифункционал таъсирга эга ресурстежамкор ва экологик ҳавфсиз кимёвий қўшимчалар ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган полифункционал кимёвий қўшимчаларни қўллаш натижасида термопласт ва эластомер материалларининг термик барқарорлик кўрсаткичларининг юқори бўлгани асосланган;

ХПЭ-термопласт ва ХСПЭ-эластомер системалари учун юқори термик-, ранг барқарорлигига ва физик-механик хоссаларни намоён қилувчи, эпокси-олигомерлари ва ресурстежамкор, экологик ҳавфсиз металл карбоксилатлари асосидаги комбинирланган синергик таъсирига эга термик стабилликни оширувчи синергик кимёвий қўшимчалари ишлаб чиқилган;

минерал хомашё – шорситни гидрофобизациялаш билан олинган, эксплуатацион хусусиятлари ва физик-механик, термик кўрсаткичлари бўйича ишлаб чиқаришдаги Белгород бўр ўрнини босишда қолишмайдиган экологик ҳавфсиз тўлдирувчиларни олиш технологиясини яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган бирикмалар идентификациялашда замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларида фойдаланилганлиги, натижалар назарияга мос келиши ҳамда завод шароитида синаб кўрилганлиги ва ишлаб чиқаришда жорий этилганлиги билан тасдиқланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти азометин бирикмаларининг янги синфи, яъни юқори ингибирлаш фаоллигига эга бўлган, госсипол азометинларининг полимерларнинг термик ҳамда термооксидланиш

стабилизациясида турли функционал гуруҳ ҳисобига ингибирлаш механизмининг илмий асосланган ёндашувини яратишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти органик эритувчиларсиз, ишлаб чиқаришдаги мавжуд техноген хомашёдан фойдаланган ҳолда олигомер бирикмалар синтезининг бир босқичли чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқиш, шунингдек, полимер материаллари рецептурасида янги яратилган полифункционал кимёвий қўшимчалар импорт ўрнини босишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Полимер материаллари учун полифункционал кимёвий қўшимчаларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ПВХ канализация қувурларини ишлаб чиқариш учун техник шарт Ўзбекистон илмий – синов ва сифат назорати маркази «UzTest» томонидан тасдиқланган (TSh 46-149267741-01.2005). Мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати ва технологик жараёни назорат қилиш имконини берган;

«Электр кабел химоя қопламалари учун антикоррозион компаунд»га Россия Федерацияси Роспатент Интеллектуал мулк бўйича Федерал хизматининг ихтирога патенти олинган (RU №2296788). Натижада, кабеллар тайёрлашда антикоррозион химоя қопламаси сифатида қўлланиладиган антикоррозион компаундларни ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш имконини берган;

полифункционал олигомер кимёвий қўшимчалари «Биринчи резина заводи»да резинатехника маҳсулотлари рецептураси таркибига киритишда жорий этилган («Биринчи резина заводи»нинг 2021 йил 10 декабрдаги 07-221830-сон маълумотномаси). Натижада, локализация дастури доирасида маҳаллий хомашёлар асосида резина қоришмалари учун ингредиентлар ишлаб чиқиш имконини берган;

ишлаб чиқилган кўп мақсадли самарали кимёвий қўшимчаларни полимер материаллари (ПВХ) Шуртан ГКМнинг «Қаршитермопласт» корхонаси маҳсулотлари рецептураси таркибида амалиётга жорий этилган («Шуртан ГКМ»нинг 2021 йил 26 июлдаги 15УМ-054/178-сон маълумотномаси). Натижада, кўп тоннажли техноген маҳсулотларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш орқали полимер материаллари учун ресурстежамкор ва экологик хавфсиз кимёвий қўшимчалар ишлаб чиқиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 16 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан 1 та ихтирога патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шу жумладан, 8 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижалари амалиётга татбиқ этилиши ва нашр этилган ишлар тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Самарали стабилизаторлар ва уларни ишлаб чиқариш технологиялари бозорининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари”** деб номланган биринчи боби полимерларни термооксидланиш деструкциясини ва уни ингибирлаш механизмининг қонуниятларини таҳлил қилишга бағишланган. Стабилизаторларнинг турли синфлари, шу жумладан ушбу йўналишдаги полифункционал олигомерик кимёвий қўшимчалар ҳақида умумий шарҳи берилган. Диссертация ишининг мақсад ва вазифаларини шакллантириш имконини берадиган металл карбоксилатлар ва стабилизатор-антиоксидантларнинг кўп компонентли аралашмаларида синергизм асосида галоген тутган полимерлар учун термостабилизаторларни синтез қилиш технологиясидаги танқидий таҳлил ва ютуқлар кўриб чиқилган.


Диссертациянинг **“Кўп мақсадли полифункционал ингредиентларни олишнинг ресурстежамкор, чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқиш”** деб номланган иккинчи бобида ёғ-мой ва кимёвий ишлаб чиқаришнинг карбон кислоталари фаол компонентлари бўлган иккиламчи технологик ресурсларни конденсация қилиш йўли билан  $Me^{+2}$  карбоксилатлари ва N-тутган олигомер бирикмаларни синтез қилиш бўйича тадқиқотлар келтирилган. Полимер композиция материалларнинг таркибий қисмлари сифатида мақсадли полифункционал ингредиентлар ишлаб чиқилган.

Ёғ ва карбон кислоталарнинг  $Me^{+2}$  карбоксилатлари синтезининг бир босқичли технологияси амалга оширилган бўлиб, дастлабки хом ашё сифатида госсипол смоласи (ГС), капролактама ишлаб чиқаришдаги техноген маҳсулот (Т-маҳсулот), Са, Ва, Сd ва Рb оксидлари ишлатилган, металл оксиди миқдори ГС ва Т-маҳсулотдаги кислота сонига эквивалент миқдорда ҳисобланган.

Умуман олганда, янги ёндашувлар асосида замонавий технологиялар ишлаб чиқилган бўлиб, унинг мақсади эритувчисиз ГС ва Т-маҳсулоти асосида  $Me^{+2}$  карбоксилатларни олиш учун ресурстежамкор, экологик ҳавфсиз бир босқичли технологияларни яратишдир.

Реакциянинг оптимал вақти ва реакцион массасининг минимал кислота сонини аниқлаш учун  $H_2O$ , ДБФ эритувчиларда, реакция давом этиш вақти

билан ҳосил бўлган синтез маҳсулотларидаги кислота сонининг ўзгариши орқали текшириб борилди.



1-расм. Реакцион массанинг эритувчи иштирокида (1. H<sub>2</sub>O, 2. ДБФ) ва эритувчисиз (3) муҳитда кислота сонини вақт бирлигида ўзгариши. Реакция муҳитнинг температураси 383 К.

ГС мисолида синтез вақтида реакцион массанинг кислота сонининг қиймати реакция вақтининг давомийлиги билан эритувчи ва эритувчисиз муҳитда камая бориши, шу билан бирга реакцион массанинг нейтралланиш жараёни сувли муҳитда органик эритувчига нисбатан тезроқ кетиши 1-расмда келтирилган. Дастлабки минутларда сувли эритмаларда системанинг нейтралланиш тезлигининг юқори қиймати СаОни Н<sub>2</sub>О билан бир зумда реакцияга киришиб, Са(ОН)<sub>2</sub>-ни ҳосил қилиши, ион алмашилиш реакциясининг тезлашиши ва туз ҳосил бўлиши конверсиясининг қайтмас бўлиши билан изоҳланади.

Нейтралланиш жараёнида ГС тузининг массада ҳосил бўлиши нисбатан ўртача ўтади, кўриб чиқилган системаларда реакциянинг давомийлиги 40-75 минутни ташкил қилади.


ГС ва Т-маҳсулот тузларининг ҳосил бўлиши ИҚ спектроскопик усулда ўрганилди, бу ерда алмашилиш ва янги гуруҳларнинг ҳосил бўлиши ҳисобига ГС ва Т-маҳсулот тузларининг ҳосил бўлишини кўрсатадиган тавсифли ютилиш соҳалари кузатилган.

ГС ва Т-маҳсулотнинг тегишли металл оксидлари билан ўзаро таъсирлашуви натижасида амалга оширилган ГС ва Т-маҳсулот тузларининг нейтраллаш усули бўйича синтез тадқиқотларига асосланиб, ГС ва Т-маҳсулотларнинг асосий таркиби ёғ ва карбон кислоталари эканлигини ҳисобга олган ҳолда, кимёвий реакция схемаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

*ГС асосидаги бирикмалар учун:*




*Т-маҳсулоти асосидаги бирикмалар учун:*



бу ерда, Me – Na, Ca, Ba, Cd ва Pb.

Маҳсулотларнинг асосий хусусиятларидан бири, термик барқарорлигини ўрганиш мақсадида термогравиметрик кўрсаткичлари тадқиқ қилинди, масалан, 303-773 К ҳароратида олинган натижалар ГС ҳосилаларининг термик парчаланишига чидамлилиги тасдиқлаганлигини 2-расмдан кўриш мумкин



2-расм. Кальций стеарат (саноат) (1) ГС (2), ГС ди(м-ФДА) билан конденсацияланиш маҳсулоти (3), ГС Ca тузи (4)нинг масса йўқотишининг температурага боғлиқлиги

ГС нинг аминлар ва полиизоцианат (ПИЦ) билан конденсацияланиш маҳсулотлари асосида олигомер азоттутган термостабилизаторлар ва коррозияга қарши қопламалар олишнинг мослашувчан технологиялари ишлаб чиқилди, оптимал вариантлари амалиётга таклиф қилинди. ГС нинг ЭДА ва бошқа аминлар билан синтези ҳар томонлама тадқиқ қилинди: NH<sub>3</sub>(сувли эритмаси); ГМДА; ГМТА; ди(м-ФДА); ПЭПА, уларнинг структураси ИҚ-спектроскопик таҳлили ва физик-кимёвий хоссалари ўрганилди.

Диссертация ишининг **“Полимер материаллари термооксидланиш деструкцияси ингибиторларининг самарадорлигини тадқиқ қилиш”** деб номланган учинчи бобида полимерларни термик оксидланиш деструкциясига госсипол ва унинг азометин ҳосилалари функционал гуруҳларининг антиоксидант фаоллиги таъсири ва уларнинг қонуниятлари бўйича тажриба натижалари келтирилган. Полимерларнинг госсипол азометинлари билан термик стабиллашуви саноат аналоглари, шунингдек, ГС ва Т-маҳсулотининг олигомер ҳосилалари асосидаги термик стабилизатор-антиоксидантларнинг индивидуал ва синергетик аралашмалари, уларнинг термопластлар ҳамда эластомерларда таъсир қилиш механизми билан солиштириб ўрганилган. Полимер системалари учун тавсия этилган кимёвий қўшимчаларнинг нисбий мослиги ва ингибирлаш самарадорлиги баҳоланган.

Госсипол ҳосилаларининг антиоксидант фаоллигини уларнинг функционал гуруҳлари ва тузилишига боғлиқлигини аниқлаш учун

полимерлар учун антиоксидант сифатида госсипол ҳосилаларининг намуналари танланган.

*Полиолефинларда госсипол гидроксил гуруҳларининг антиоксидант фаоллиги қонуниятларини тадқиқоти.* Олиб борилган тадқиқотлар гидроксил гуруҳларининг алмашиниши пропорционал равишда фаолликнинг пасайишига олиб келиши ва алмашиниш даражаси қанча катта бўлса, полиолефинларга нисбатан антиоксидантлик хусусияти шунча кам бўлиши экспериментал исботланган.

Госсипол ва унинг ҳосилалари билан бошланғич ва стабилизацияланган ПШни термооксидланишидаги кислородни ютилиш жараёнининг кинетик боғлиқликлари 3-расмда келтирилган. Дастлабки ва термостабилланган ПШнинг оксидланиш жараёнида, уларнинг кислород ютилишидан кўриниб турибдики, госсипол учун юқори антиоксидантлик самарадорлиги ва ПШда госсипол концентрацияси  $1 \cdot 10^{-2}$  моль/кг бўлганда, оксидланиш бошланишига қадар индукция даврининг 38 минутга ошиши кузатилди ва кейинчалик кислородни ютилиш тезлиги ошиши билан боради.


Госсиполнинг 7,7' ҳолатдаги гидроксил гуруҳлари метилен гуруҳларига алмашинганда, ПШ оксидланиши бошланишига қадар индукцион даври ~ 2,1 марта қисқариши ва бу кўрсаткич 18 минутни ташкил қилиши (3-расм, 2-эгри чизик), госсиполнинг гидроксил гуруҳлари 1,1' ҳолатда алмашинганда эса полимер оксидланиши бошланишига қадар индукцион даври 10 минутни ташкил қилиши аниқланган. Госсиполнинг гидроксил гуруҳлари 6,6' ҳолатда алмашиниши ўрганилганда унинг ингибирлаш хусусиятлари фаол эмаслиги кўрсатилди, яъни полимернинг оксидланиш кўрсаткичининг қиймати бошланғич ПШ (4,6 эгри чизиклар) ва унга ўхшаш алдегид ва гидроксил гуруҳларига эга бўлмаган ва метилен гуруҳлари билан тўлиқ блокланган гексаметил эфир апогоссипол даражасида бўлиши кўрсатилган.

ПЭ таркибида ҳам госсипол ва унинг ди-, тетраметил эфирининг антиоксидантлик фаоллиги ўрганилди ва бу оксидланиш индукцион даври кўрсаткичига кўра мос равишда 165; 42; 15 минутга тўғри келади. Шу билан бирга, ПШ дан фарқли ўлароқ, бир хил госсипол метил эфирлари қўлланилиши натижасиджа оксидланишнинг индукцион даврининг ~1,5-4,8 мартга ошиши кузатилди, бу кўрсаткич полимер макромолекуласининг тузилиши, физик-кимёвий хусусиятлари ва ўрганилаётган ПЭнинг табиати билан изоҳланади.

Ўрганилган бирикмалар иштирокида ПЭ нинг ингибирлаш фаоллиги ва термооксидловчи деструкциясининг қиёсий таҳлили ўтказилганда 7,7' ҳолатдаги гидроксил гуруҳларнинг энг юқори фаолликка эгаллиги тасдиқланди, 1,1' ҳолатдаги гидроксил гуруҳи нисбатан кам ингибирлаш таъсирни намоён қилиши аниқланди.

Гидроксил гуруҳларини алмашиниш даражаси бўйича полиолефинларнинг термооксидланиш деструкциясини ингибирлашда диметил эфирлари фаол бўлгани билан госсиполга қараганда камроқ даражада эканлиги аниқланди. Гидроксил гуруҳларини кейинги алмашиниши ингибирлаш фаолликнинг кескин пасайишига олиб келади ва алмашиниш

даражаси қанчалик катта бўлса, ингибирлаш фаоллиги шунча паст бўлади. Полимерларнинг термооксидланиш термостабилизациясида полифункционал ингибиторларини синтез қилиш ва ишлаб чиқишда госсиполнинг 6,6' ва 7,7' ҳолатидаги гидроксил гуруҳларини антиблоклаш мақбул эканлиги аниқланди.



3-расм. ПП (6) ва стабилланган ПП (1-5) 473 К, P<sub>O<sub>2</sub></sub>=300 Тор. шароитида кислород ютилиш кинетикаси Госсипол (1) ва Госсиполнинг, -диметил (2); -тетраметил (3); -гексаметил (4) эфирлари; 5. Апогоссиполнинг гексаметил эфири. Стабилизатор микдори 1·10<sup>-2</sup> моль/кг.

Полиолефинлар термооксидланиш деструкциясини госсипол азометинлари билан ингибирлаш. Госсиполнинг азометинлари ПП нинг стабилизатори сифатида текширилди (1-жадвал) ва натижада оксидланишнинг индукцион даври госсиполга нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Ўрганилган бирикмалар ичида госсиполнинг оксифенилимин бирикмаларининг ингибирлаш даражаси юқори кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди. Бу ҳолат мазкур бирикмалар молекуласида олтига -ОН ва иккитадан =O, =CH-NH-гуруҳларининг мавжудлиги бўлиб, юқори ҳароратдаги полимернинг термооксидланиш жараёнини ингибирлаш механизми билан тушинтирилади.

Госсипол азометинлари билан ПВХнинг термооксидланиш стабилизацияси. ПВХларда госсипол ва унинг азометинларининг термостабилизация фаоллигини ўрганиш натижалари улар саноат антиоксидантлардан кам эмаслиги ва самарадорлиги бўйича ионолдан устун эканлигини кўрсатди.








ПВХ термооксидланишдаги HCl элиминирлаш жараёнида ДОФГ-2 ингибирлаш таъсири госсипол ва унинг бошқа азометинларига қараганда анча юқори. Масалан, 448 К да (3-5)·10<sup>-2</sup> моль/кг ДОФГ-2 иштирокида ПВХ композициясидан HCl ни элиминирлаш тезлиги дастлабки намунага нисбатан 7 мартагача камайди.

ДАФГ термостабилизациялаш фаоллиги бўйича ўрганилган госсипол азметинларидан паст кўрсаткичга эга бўлди, бу полимер билан ўзаро таъсир қилувчи ПВХни аминланиши ва натижада композициядан HCl элиминирланишини амин компонентининг бирламчи аминогуруҳлари, кейинчалик тезлатиши билан боғлиқ ҳолда, бир вақтнинг ўзида макромолекуладаги хлор лабил атомлари билан боғланиб, ҳосил бўлган

аминларнинг хлорид кислота тузлари таъсирида ПВХ дегидрохлорланишини катализлайди.

1-жадвал

III термооксидланишида госсипол азометинларининг ингибирлаш фаоллиги, 473 К, P<sub>o2</sub>=300 Тор

Т/р	Антиоксидантлар	Кимёвий формуласи	Ингибирловчи груҳ сони			Оксидланишнинг индукцион даври, τ мин
			-OH	=O	=CH-NH-	
1.	Антиоксидантсиз	—	—	—	—	4-5
2.	Госсипол		6	—	—	38
3.	Ди-(фенилимино) госсипол (ДАГ)		4	2	2	50
4.	Ди-(о-оксифенилимино) госсипол (ДОФГ-1)		6	2	2	65
5.	Ди-(п-оксифенилимино) госсипол (ДОФГ-2)		6	2	2	63
6.	Ди-(м-аминофенил имино)госсипол (ДАФГ)		6	2	2	50
7.	Ди-(п-карбоксифенил имино)госсипол (Антранилат госсипол)		4	2	—	46
8.	2,4,6-три-трет-бутилфенол (Алкофен Б)		1	—	—	16



Госсипол азометинлари госсиполга нисбатан юқори термостабилизациялаш таъсирини кўрсатади, чунки улар кучсиз ички молекуляр водород боғига эга, шу билан бирга уларда иккита радикал ҳосил қилиш марказига эга бўлиб, пероксид радикали нафақат ОН- гуруҳи билан, балки азометинларнинг =СН–NH– боғлари билан ҳам Шифф асослари каби азот атомида фаол радикал ҳосил қилади.

*СКФ-32 фторкаучугини саноат стабилизаторлар-антиоксидантлари, госсипол азометинлари билан термостабилизациясидаги синергитик ингибирлаш самараси.* N-, P-, S-тутган ва фенолли саноат стабилизаторлари - бисфенол А, агидол-70, фенозан-30, аминофосфит, фосфит НФ нинг паст (473 К) ва юқори (553-613 К) ҳароратларда СКФ-32 нинг термооксидланиш деструкциясига таъсири ўрганилган. Ўрганилган стабилизаторларнинг барча синфлари ингибирлаш таъсирини кўрсатади, аммо бисфенол А, агидол-70, фенозан-30 да самарадорлик 603-613 К кўтариладанда камаяди. Фосфортутган бирикмалар энг яхши ингибирлаш қобилиятга эга бўлиб ва айниқса аминофосфит комбинирланган юқори таъсирга эга термостабилизатор ҳисобланади, унинг иштирокида 473 К да термооксидланиш деструкция 2 марта, галоидводородни элиминирлаш тезлиги эса 2-3 марта секинлашади.

Энг юқори термостабилизацияловчи таъсир 593-613 К да  $1,72 \cdot 10^{-2}$  моль/кг аминофосфит ва  $1,56 \cdot 10^{-2}$  мол/кг НФ фосфитни СКФ-32 таркибига киритиш орқали эришилади, унда СКФ-32 композициянинг масса йўқотиши дастлабки намунага нисбатан ингибитор концентрациясига боғлиқ ҳолда ~ 6-30 мартага камаяди.

Аминофосфит сарфланиш тезлик константасини ( $K_p$ ) минимал бўлиши, унинг молекуласидаги =P– гуруҳ ва ҳамда учта –NH– гуруҳларининг олиб борилган шароитдаги сополимернинг  $RO_2 \cdot$  фаол марказини ингибирлашдаги иштироки орқали таъминланади.

Хемиллюминесцент таҳлиллари аминофосфитнинг самарадорлигини тасдиқлайди, масалан 437 К да дастлабки каучукнинг хемиллюминесценция нисбий интенсивлиги ( $I_{кл}$ ) 160 нисбий бирликни кўрсатса,  $0,86 \cdot 10^{-2}$  моль/кг аминофосфит каучук таркибида эса атиги 80 нисбий бирликни ташкил қилади.

Ўрганилган бирикмаларнинг ЭПР спектрал таҳлиллари сополимер термодеструкциясининг ингибирланиши радикал механизм бўйича боришини исботлади.

Умуман олганда, ўрганилган саноат стабилизаторлари СКФ-32 нинг термооксидланиш деструкциясини ингибирлаш самарадорлигига кўра, қуйидаги кетма-кетликда жойлаштириш мумкин: аминофосфит > НФ фосфит > фенозан-30 > бисфенол А > агидол-70.

СКФ-32 таркибига киритилган госсипол азометинлари госсипол каби термооксидланиш деструкцияни секинлаштиради, аммо госсипол ҳосилаларида ингибирлаш таъсири анча юқори (2 бараваргача) бўлиб, сабаби, уларнинг кимёвий тузилиши билан асосланади. Шундай қилиб, ДАГ, ДАФГ, ди (сулфоанил кислотанинг Na тузи) госсипол (ДНССКГ)

молекуласида фенол гуруҳлар билан бир қаторда уларнинг фаоллигини белгиловчи аминогуруҳлар ва металл тузларидир.

СКФ-32 нинг термик парчаланиш жараёнида госсипол ва унинг азометинларини термостабилизация хоссалари саноат аналоглари билан солиштирилганда госсипол ўрганилган кўрсаткичлар бўйича қолишмаслиги, юқори ҳароратда эса (613 К) госсипол азометинлари бисалкофендан анча устунлиги аниқланди. СКФ-32 ни термооксидланиш деструкция жараёнида ДНССКГ нинг ингибиторлик таъсири бошқа азометинларга қараганда сезиларли даражада юқори натижаларни берди. Шундай қилиб, 593 К да  $1,14 \cdot 10^{-2}$  моль/кг ДНССКГ иштирокида СКФ-32 композицияларининг масса йўқотиши стабилизацияланмаган намунага нисбатан 12 мартагача кам бўлганлигини тадқиқот натижалари тасдиқлади.

Госсипол азометин антиоксидантлари учун критик концентрация хос бўлиб, ундан юқори бўлганда термик парчаланиш тезлашади. 593-613 К да максимал термостабилизация таъсири СКФ-32 таркибига  $(1,48-2,96) \cdot 10^{-2}$  моль/кг ДАГ ва  $(1,14-2,28) \cdot 10^{-2}$  моль/кг ДНССКГ киритиш орқали эришилади. Ҳароратнинг 593 дан 613 К гача кўтарилиши билан госсипол азометинларнинг сарфланиш тезлик константасини -  $K_p$   $1,9 \cdot 10^{-4} \text{ с}^{-1}$  дан  $4,3 \cdot 10^{-4} \text{ с}^{-1}$  гача кўтарилади, яъни стабилизатор сарфи ошади. Госсиполнинг бошқа азометинлари билан солиштирилганда ДНССКГ учун кузатилган нисбатан паст  $K_p$  қийматлари унинг полифункционалилиги (тўртта-ОН ва иккитадан  $>C=O$ ,  $=CH-NH-$ ,  $-Na$  -гуруҳлари) ва уларнинг турли хил таъсир механизмлари шунингдек, полимер композициядан ингибиторнинг миграциясини камайтирувчи омил, молекуляр массасининг катталиги билан тушинтирилади.

ИК спектрал таҳлил натижаси термооксидланиш деструкция вақтида госсипол азометин таркибли фторкаучугининг макромолекула занжирининг кимёвий тузилиши ўзгармаслигини кўрсатди.


Госсипол ва унинг азометинларининг таъсир фаоллигига кўра улар қуйидаги кетма-кетликда жойлашади: ДНССКГ > ДФДАГ > ДАГ > ДАФГ > госсипол > техник госсипол.

Стабилизаторлар ёки ҳар хил синфдаги антиоксидантларнинг аралашмаси, хусусан, аминофосфортутган бирикмалар - аминофосфит, НФ фосфит полифенол бирикмалар билан - ДФДАГ ёки металл карбоксилатлари - Са тузи ГС, СКФ-32 термооксидланишдаги масса йўқотиш индукция даврини ошишига сезиларли синергик таъсир кўрсатади.

Кимёвий қўшимчалар, шу жумладан аминофосфит - ДФДАГ аралашмалари учун индукция даври бўйича синергизмнинг энг юқори фаоллиги уларнинг нисбати 1,25: 1,75, НФ фосфитида - ДФДАГ эса  $\sim 1: 2$  бўлганида кузатилади (4-расм).

Фосфортутган бирикмаларнинг амин ёки фенол стабилизатор аралашмаларида ингибирлаш таъсирининг синергизмнинг юқори самарадорлиги классик назариясига асосланган бўлиб, ҳосил бўлган гидропероксидларни радикалсиз механизм бўйича парчалаш, макромолекуланинг тармоқланган занжиридаги радикалларни шунингдек

аминофосфит ва НФ фосфит : Са тузи ГС аралашмалари мисолида келтирилгандек масса йўқотишидаги индукция даврининг ошишида, ажралиб чиққан HCl ва HF моддаларини боғлаш орқали антиоксидант ва қўшимчалар аралашмаси ўртасида синергизм амалга ошиш механизми билан тушинтирилади.



4-расм. СКФ-32 масса йўқотиш индукция даврини стабилизаторлар аралашмаси нисбатига боғлиқлиги.  
 1. Аминофосфит+ДФДАГ;  
 2. НФ Фосфит +ДФДАГ;  
 3. Аминофосфит+ГС Са тузи;  
 4. НФ Фосфит +ГС Са тузи.  
 Аралашмани умумий концентрацияси  $1 \cdot 10^{-2}$  мол/кг, ҳавода, 613 К.

ГС фракцион таркибини ва у асосида синтез қилинган ҳосилаларини каучукнинг термооксидланиш деструкцияси жараёнига таъсирини ўрганиш. ГС нинг алоҳида фракцияларини СКФ-32 термик барқарорлигига таъсири ўрганилиб, фақатгина ГС нинг фенол фракция таркибий қисмигина термостабилизацияловчи хоссаларга эга эканлиги аниқланди. Худди шу бир хил оғирлик концентрациясида (1,0 масса қ.), бу фракция ГС нинг ўзидан самарали бўлиб, композициянинг индукцион даврини оширади ва учувчан моддаларни ажралишини камайтиради (2-жадвал). ГС нинг ёғ-кислотали ва совунланмаган фракциялари каучукнинг термик стабилизациясига салбий таъсир қилади, бу эса юқори ҳароратларда моддаларнинг оксидланиши, учувчанлик ва парчланиш билан боғлиқлигини кўрсатади.

ГС нинг термостабилизация фаоллигини ошириш мақсадида унинг Са, Ва, Сd, Рb карбоксилатлари ва N-тутган ҳосилалари синтез қилинди, термогравиметрик таҳлил натижалари уларнинг парчланишининг бошланиш дастлабки смоллага нисбатан  $\sim 100$  градусга юқорилигини кўрсатди (2-расм).

Термостабилизация фаоллиги жихатидан ГС  $Me^{+2}$  карбоксилатлари саноат аналоги - кальций стеаратидан кам эмас ва юқори ҳароратда ундан устун бўлди. Шунингдек, ГС N-тутган олигомер бирикмалари 593-633 К да СКФ-260 таркибида қўлланилганда учувчан моддалар миқдори саноатдаги N,N'-динафтил-n-фенилендиаминдан 1,6-1,8 марта кам ажралиб чиқиши аниқланди ва бу ингибирлашда дезактивация механизми бўйича, яъни сополимер макромолекуласи занжиридаги ажраб чиқадиган агрессив HCl, HF моддаларни акцептирлаши деб тушунтирилади.


**СКФ-32 ва унинг композицияларини 6 соат давомида ҳавода, турли температурадаги индукцион даври ( $\tau$ ) ва масса йўқотиши ( $W$ )**

Стабилизатор	Стабилизатор миқдори, масс.қ.	Температура, К					
		593		613		633	
		$\tau$ , мин.	W,%	$\tau$ , мин.	W,%	$\tau$ , мин.	W,%
Стабилизаторсиз	0	90	17,5	45	37,5	0	54,0
ГС	0,5	0	12,8	0	35,8	0	50,0
	1,0	0	12,0	0	30,0	0	48,1
	1,5	0	13,7	0	30,8	0	47,3
	2,0	0	14,2	0	31,7	0	49,4
	3,0	0	14,8	0	32,2	0	51,0
	5,0	0	16,0	0	34,1	0	52,5
ГСнинг совунланмаган қисми	1,0	0	18,7	0	38,3	0	55,3
ГСнинг ёғ-кислота фракцияси	1,0	0	2,0	0	41,2	0	60,8
ГСнинг фенол фракцияси	1,0	100	9,4	55	24,0	5	42,0

Наирит КР-50 композицияларида, N-тутган ГС бириклари неозон Д саноат аналоги билан солиштирганда, айниқса, ГС нинг м-фенилендиамин билан конденсацияланиш маҳсулоти энг юқори самарали эканлиги аниқланди.

ГС, T-маҳсулот  $Me^{+2}$  карбоксилатлари ва улар асосидаги индивидуал ва синергик аралашма термостабилизаторлари. ГС  $Me^{+2}$  карбоксилатлари винилхлорид полимерларида парчаланишнинг бошланиш ҳароратини оширади ва бир вақтнинг ўзида ПВХ стабилизацияланган намуналарининг масса йўқотиш кўрсаткичини камайиши натижасида жараённинг индукция даврини (НСІ ажралиш вақтигача) 15-30 градусга ошириши экспериментал исботланган. ДТА ва ДТГ намуналарнинг эгри чизиқларида экстремумларнинг мавжудлиги ГС  $Me^{+2}$  карбоксилатларининг термостабилизацияловчи кўрсаткичи бўйича Са ва Сd стеаратлари каби саноат аналогларидан кам эмаслигини ва айрим ҳолларда, айниқса, ГС нинг Pb ва Cd тузлари улардан устунлигини кўрсатди.

ГС  $Me^{+2}$  карбоксилатларининг стабилизацияловчи таъсири ПВХ нинг термооксидланишининг парчаланиш вақтида ажралиб чиқадиган НСІ нинг боғланиши билан боради, бу қуйидаги реакция бўйича амалга ошади:




Ҳосил бўлган эфир гуруҳи дастлабки хлорид гуруҳига қараганда термик жиҳатдан барқарордир. Шунинг учун полимердан НСІ ажралишини инициирлайдиган омилларнинг фаоллиги пасаяди ва шу билан бирга дегидрохлорланиш реакциясининг секинлашишига олиб келади.

ГС  $Me^{+2}$  карбоксилатларининг юқори самарадорлиги ГС таркибида полифенол бирикмалари - госсипол ва унинг ҳосилалари ва азоттутган бирикмалар мавжудлиги билан изоҳланади, улар полимернинг термостабилизация жраёни комбинирланган таъсир механизми бўйича кучаяди.



Металл карбоксилат катионининг табиати винилхлорид полимерларининг термостабилизациясига сезиларли таъсир кўрсатади, аралаш стабилизаторларнинг таъсири эса металл карбоксилатларининг синергик таъсирига асосланади, шунинг учун бу мақсадда синтезланган Т-маҳсулотининг  $Me^{+2}$  карбоксилатлари ўрганилди.

Т-маҳсулотининг аралаш Са-Рb ва Ва-Рb тузлари иштирокида ПВХ нинг брутто-дегидрохлорланиши Т-маҳсулотнинг алоҳида олинган тузлари билан солиштирганда, унинг деструкция тезлигига нисбатан паст кетиши аниқланди, бу ҳолат металл карбоксилатлари иштирокида термостабилизаторлар аралашмаларининг HCl билан ўзаро кимёвий таъсири ва ПВХ дегидрохлорланиш тезлигини камайтиришга омил бўладиган лабил хлор атомлари билан металл карбоксилатнинг ўзаро таъсири натижасида синергик таъсир кўрсатиш механизми деб изоҳланади (5-расм).



5-расм. ПВХ термик дегидрохлорланиш тезлигини Т-маҳсулотни  $Me^{+2}$  карбоксилатларига боғлиқлиги: Са (1), Ва(2), Рb (3), Са-Рb (4), Ва-Рb (5). 448 К, N<sub>2</sub> оқимида.


Т-маҳсулотнинг  $Me^{+2}$  карбоксилатининг ПВХ стабилизациясида таъсир механизми қуйидагича ифодаланиши мумкин:



Аралаш стабилизаторларнинг таъсири Т-маҳсулотни Ва-Рb (Са-Рb) металл карбоксилатларининг синергик таъсирига асосланади, металл карбоксилатлари, металл ионининг комплекс ҳосил қилиши сабабли ҳаракатланувчи хлор атоми билан алмашиниш реакциясига киради (1). 1-реакция натижасида ҳосил бўлган Ва (Рb) хлоридлар Т-маҳсулотининг

металл карбоксилати (2) билан ўзаро таъсирлашади, натижада дастлабки Ва (Pb) карбоксилат қайта тикланади (регенерациялашади). Бу реакция Ва (Pb) хлоридларнинг дестабиллашган таъсирини блоклайди ва натижада ажралиб чиқадиган HCl боғланиши 3-реакция бўйича амалга ошади.

*ПВХ термооксидланиш ингибирлаш синергизмини ГС Me<sup>+2</sup> карбоксилатлари ва саноат антиоксидантлари иштирокида ўрганиш.* Винилхлорид полимерининг термооксидланишидаги асосий эътибор қуйидаги бинар системаларига қаратилди: ГС Са тузи - бисфенол А; ГС Ва тузи - бисфенол А; ГС Рb тузи - бисфенол А; ГС Са тузи - сантанокс; ГС Ва тузи - сантанокс; ГС Рb тузи - сантанокс. Стабилизаторлар аралашмасидан фойдаланиш полимернинг термостабилизациясини сезиларли даражада ошишига олиб келади ва бу кўрсаткич алоҳида ишлатиладиган стабилизаторлар таъсири йиғиндисидан ~ 3,5 баравар кўпдир. Стабилизацияланган намуналар учун ПВХ дан HCl ажралиб чиқишнинг "индукция даври" кўрсаткичи бўйича максимал таъсир ўрганилган бирикмаларнинг маълум нисбатларига тўғри келди (6-расм).



6-расм. ПВХдан HCl ажралиб чиқиш индукция даврини стабилизатор аралашмаси таркибига боғлиқлиги: ГС нинг Са (1), Ва (2) тузлари + бисфенол А; ГС Са (3), Ва (4), Рb (6) тузлари + сантанокс; ГС Рb (5) тузлари + бисфенол А, ҳавода, 453 К

Тадқиқот натижалари бўйича 2:1 нисбатда 3 масса қ. иборат стабилизаторларнинг умумий концентрациясида "таркиб - индукция даври" эгри чизигидаги максимал қиймати ГС Рb тузи - сантанокс учун 184 мин, ГС Ва тузи - сантанокс учун 122 мин, ГС Са тузи – сантанокс композицияси учун эса 108 минутга тўғри келди. Ўрганилган бирикмаларнинг оптимал нисбати билан ГС Рb тузи - сантанокс аралашмаси учун максимал индукцион даври кузатилди ~ 1,5; мазкур кўрсаткич алоҳида олинган стабилизаторларга нисбатан 3,7 мартта юқоридир. Ҳисоблашлар натижаси ГС Рb тузи - сантанокс аралашмаси учун амалий синергизм ( $S_{np}$ ) қиймати 1,46 га, синергизм эффекти эса (S) 0,87 га тенг эканлигини кўрсатди.

Металл тузларини сантанокс аралашмаларидан фарқли даражада, бисфенол А аралашмалари учун максимал синергик таъсири 1:1 нисбатида кузатилади. Ўрганилган бирикмалар аралашмасини кўрсатилган нисбатида индукция даврининг кўрсаткичи ГС Рb тузи - бисфенол А учун 155 мин, ГС

Ва тузи - бисфенол А учун 84 мин, ГС Са тузи - бисфенол А 66 мин, амалий синергизмнинг юқори қиймати ( $S_{np}$ ) эса ГС Ва тузи - бисфенол А аралашмаси учун тавсифли бўлиб, бу кўрсаткич 1,0 га тенг, синергизм таъсирни (S) ҳисоблашдаги қиймати 1,42 га тенг бўлди.


Таҳлил натижаларига кўра, ўрганилган барча ҳолатларда синергик таъсир кузатилди, ГС металл карбоксилатларининг феноллар билан аралашмасидаги синергизми, ҳосил бўладиган фаол радикалларнинг рекомбинациясига боғлиқ бўлиб, натижада фенол молекуласининг кўп марта полимер оксидланиш занжир узилишида иштирок этади, шу билан бирга, ГС тузларининг S-тутган бирикмалар аралашмасинининг фаоллиги юзага келишига сабаб, ҳосил бўлган гидропероксидларни радикалсиз механизм бўйича деструкцияни тўхтатиш орқали тармоқланган занжирларни узишда иштирок этадиган стабилизаторлар арашмасининг синергизмига боғлиқдир, ва бу олиб борилган тадқиқот натижаларига мос келади. Шунинг таъкидлаш керакки, барча ҳолатларда ГС  $Me^{+2}$  алоҳида ўринга эга бўлиб, полимер композициядан ажралиб чиқадиган HCl ни акцептирлайди. Бундан ташқари, ГС таркибидаги мавжуд полифенол бирикмалари ПВХ нинг юқори ҳароратдаги термостабилизация таъсирини кучайтиради.

*ХПЭ термоласти ва ХСПЭ эластомерининг термостабилизациясида ГС Са тузи ва эпоксид бирикма аралашмасининг комбинирланган синергик таъсири.* Эксплуатация шароитига кўра хлорланган полиэтилен (ХПЭ) ва сульфохлорланган полиэтилен (ХСПЭ) асосидаги маҳсулотларнинг аксарияти термооксидланиш деструкцияси натижасида ранг-, термик стабиллиги, физик-механик хусусиятларига кўра ўрнатилган талабларга жавоб бермайди, шунинг учун ГС Са тузи, эпоксидланган олигомер изобутилен (ЭОИ) ва уларнинг аралашмалари 1: 2 ÷ 2: 1 нисбатдаги ингибиторлик самарадорлиги ўрганилди. Натижада, ГС нинг Са тузлари ХПС таркибида 2,0 масс.қ. бўлганда ЭОИ (89 мин) термостабиллик вақтини ошишига олиб келади. Компонентлар нисбати 1: 1 ва ГС Са тузларининг 2,0 масса қ. миқдори ва ЭОИ билан композициянинг ранг кўрсаткичи ва эластиклигини сақлаган ҳолда, термик барқарорликнинг энг юқори натижасини (180 минут) берди.

